


Одоблар хазийнаси 2-жузи қайта нашрдан чиқди



00:00 / 02.02.2015 3216

Одоблар хазийнаси 2-жузи қайта нашрдан чиқди

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратларининг қаламларига мансуб «Одоблар хазийнаси» деб номланган китобнинг 2-жузи қайта нашр этилди.

Буюк бобокалонимиз Имом Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий раҳматуллоҳи алайҳининг «Ал-адаб ал-муфрад» китобларига «Одоблар хазийнаси» номи ила ёзилган мазкур шарҳнинг иккинчи жузида одобга оид саҳиҳ ҳадисларнинг давоми 307-657-ҳадислар келтирилади.

Муаллиф: Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф

Номи: Одоблар хазийнаси. 2-жуз.

Нашриёт: «HILOL NASHR» нашриёт-матбааси

Сана: 2015

Ҳажми: 464 бет

ISBN: 978-9943-00-705-5

Ўлчами: 84×108/32

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 4380-сонли тавсияси ила чоп этилган.

Мурожаат учун телефонлар:

Тошкент шаҳри: (+998 71) 216 29 27

Наманган шаҳри: (+998 90) 322 25 22

Андижон шаҳри: (+998 94) 560 1212

Марғилон шаҳри: (+99873) 253 4215

Самарқанд шаҳри: (+99891) 522 44 99

Денов шаҳри: (+99893) 5035694

Ургенч шаҳри: (+99891) 4210010

(Иш вақти 09:00 - 17:00)

www.hilolnashr.uz

Китобнинг ушбу жилдида қуйидаги мавзудаги ҳадислар билан танишасиз

Аллоҳдан хулқининг гўзал бўлишини сўраш

Мўмин киши таъначи бўлмайди

Лаънатчи

Қулини лаънатлаб, кейин озод қилиб юборган киши

Аллоҳнинг лаънати, Аллоҳнинг ғазаби ва дўзах ила лаънатлашиш

Кофирни лаънатлаш

Чақимчи

Фаҳш гапни эшитиб уни тарқатиш ҳақида

Айбловчи

Бир-бирини мадҳ қилиш

Кишининг ўзи ишонган биродарини мақташи

Маддоҳларнинг юзига тупроқ сочилур
Шеърда мадҳ қилиш
Ёмонлигидан кўрқса, шоирга бирон ато бериш
Дўстингни унга оғир келадиган нарса ила икром қилма
Зиёрат боби
Бир қавмни зиёрат қилиб, уларнинг ҳузурида таом еган одам
Зиёратнинг фазли ҳақида
Ўзи кўрмаган қавмни яхши кўрган киши
Катта ёшлиларнинг фазли
Катта ёшлиларни улуғлаш
Гап ва саволни катта бошлайди
Катта гапирмаса, кичик гапирса бўладими?
Катталарни улуғлаш
Мева болаларнинг кичигидан берилади
Кичикларга раҳим қилиш
Ёш болани қучоқлаш
Эркак кичкина қизчани ўпса бўладими?
Ёш боланинг бошини силлаш
Кичкина болага «Эй ўғлим» дейиш
Ер юзидагиларга раҳим қил
Аҳли-аёлга раҳим қилиш
Ҳайвонларга раҳмат кўрсатиш
Қушнинг тухумини олиш
Қафасдаги қуш
Яхши гапни одамлар орасида тарқатиш
Одамларнинг озорларига сабр қилган кимса
Озорга сабр қилиш
Орани ислоҳ қилиш
Киши бировга ёлғон гапирса ва у киши бунга ишонса
Биродарингга ваъда бериб, сўнг унга хилоф қилма
Одамларнинг насабига тил теккизиш
Ўз қавмини яхши кўриш
Биров билан аразлашиш
Мусулмон билан аразлашиш
Биродари билан бир йил аразлашиб юриш
Аразлашиб қолганлар тўғрисида
Душманчилик
Ярашиш учун салом бериш кифоя
Ёш болаларнинг орасини ажратиш
Сўрамаса ҳам биродарига маслаҳат бериш

Ёмон мисолларни ёқтирмайдиган киши
Макр ва алдамчилик ҳақида
Сўкиш
Бировга сув тутиш
Икки сўкишганнинг гуноҳи биринчиси зиммасида
Сўкишганлар обрўсини тўкаётган ва ёлғон гапирётган икки шайтондир
Муслмонни сўкиш фосиқликдир
Одамларнинг юзига гапирмаслик
Бошқага ўз тушунчаси бўйича «Эй мунофиқ» дейиш
Биродарига «Эй кофир» дейиш
Душманларнинг ичиқоралиги
Мол исрофи ҳақида
Исрофгарлар
Манзилларни ислоҳ қилиш
Бинога сарф қилиш
Ишчилари билан бирга ишлаш
Бинода кимўзарга ҳаракат қилиш
Бино қилиш
Кенг маскан
Болохона қилиш
Биноларга нақш қилиш
Мулойимлик
Маийшатда мулойимлик
Бандага мулойимлиги учун бериладиган нарса
Сокинлик
Дағаллик
Мол учун ҳаракат қилиш
Мазлумнинг дуоси
Банда ризқни Аллоҳдан сўраши керак, У зот: «Бизга ризқ бергин, чунки Сен ризқ берувчиларнинг яхшисисан», деган
Зулмнинг зулумот экани ҳақида
Беморнинг каффороти
Кечаси бемор кўришга бориш
Бетобга саломатлигидаги амалларининг мавоби ёзилиб туриши
Беморнинг «мен касалман» дейиши шикоятми?
Ҳушидан кетгани кўргани бориш
Бемор болаларни кўриш
Аъробийларни кўриш
Касалларни бориб кўриш
Кўргани борганнинг беморга шифо сўраб дуо қилиши

Бемор кўришнинг фазли
Бемор ва уни кўрувчига ҳадис айтиш
Беморнинг олдида намоз ўқиган киши
Мушрикни кўргани бориш
Касалга нима дейилади?
Бемор қандай жавоб беради?
Фосиқни кўргани бориш
Аёллар бемор эркакни кўргани келиши
Кўрувчи уйдаги нарсаларга назар қилишининг макруҳлиги
Кўзи оғриганни кўргани бориш
Бемор кўргани кирган қаерда ўтиради?
Киши ўз уйида нима иш қилади?
Киши биродарига муҳаббат қилса, унга билдириши
Бировни яхши кўрса, у билан низо қилмаслик ва унинг ҳақида сўрамаслик
Ақл қалбда бўлади
Кибр боби
Мазлумнинг золимдан ўч олиши
Қаҳатчилик ва очарчиликда ҳамдардлик
Инсонпаварлик ёрдами
Тажрибалар
Аллоҳ йўлидаги биродарига таом бериш
Жоҳилият шартномаси
Дўстлашиш
Исломда гуруҳвозлик шартномаси йўқ
Ёмғир бошлангандаги дуо
Қўй баракадир
Туя ўз аҳли учун иззатдир
Аъробийлик
Қишлоқда яшаш
Чўлдаги сувхонага чиқиш
Сир сақлаш ва турли одамлар билан ўтириб, ахлоқларини ўрганишни
ёқтириш
Ишларда шошилмаслик
Ишларда шошилмаслик
Тажовузкорлик
Ҳадя қабул қилиш
Одамлар ачкиқланганда ҳадя қабул қилмаслик
Ҳаё боби
Эрталаб нима дейилади?
Бошқа кишини дуо қилиш

Дуонинг одоблари

Самимий, астойдил қилинган дуо

Дуони азимат ила қилиш, зотан Аллоҳни мажбурловчи йўқ

Дуода қўлни кўтариш

Саййидул истиффор

Биродарига ғойибдан дуо қилиш

Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга саловот айтиш

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам зикр қилинганда саловот айтмаган киши

Мазлумнинг золимни дуоибад қилиши

Узоқ умр сўраб дуо қилиш

Банда шошмаса, дуоси ижобат бўлиши

Дангасалиқдан паноҳ сўраб дуо қилиш